



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (13.431)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 май кuni Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайнни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон ва БМТ, ушбу нуфузли универсал халқаро ташкилот институтлари, шу жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасида амалий ва очик мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлланма таркибий ислохотларнинг устувор йўналиши экани қайд этилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича самарали қонунчилик тизими яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан бир қаторда 16 кодекс ва 400 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул

қилинган. Парламент Омбудсмани ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолият кўрсатмоқда, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича судга дахли бўлмаган янги механизм – Бизнес-Омбудсман ташкил этилди.

Яқинда тасдиқланган ва моҳиятига кўра БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг "йўл харитаси"га айланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришни тақомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар дастури белгиланган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатларга, жумладан,

БМТнинг ўн та шартномасига қўшилган. Бугунги кунда ушбу ҳужжатларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлиқнинг истикболли йўналишлари бўйича фикр алмашилди.

Зайд Раад ал-Хусайн Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани ва бу борада амалий чоралар кўрилатгани учун миннатдорлик билдирди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва тизимли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК РИВОЖИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

**2017 йилнинг 11 – 13 май кунлари
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи
билан Хитой Халқ Республикасида
бўлади. Мамлакатимиз раҳбари "Бир
қутб, бир йўл" халқаро форумида ҳам
қатнашади.**

Ташриф дастурида ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Хитойнинг бошқа расмийлари, етакчи банк ҳамда компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар режалаштирилган. Шунингдек, Шавкат Мирзиёев қўшма бизнес-форумда нутқ сўзлайди. Музокаралар якунлари бўйича турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутадиган битимларнинг салмоқли пакети имзоланиши кутилмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг Хитой Халқ Республикасида ташрифига қадар турли даражалардаги қатор учрашув ва музокаралар бўлиб ўтди. Масалан, апрель ойининг сўнгги кунлари Бош вазир ўринбосари Рустам Азиев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ушбу мамлакатда бўлиб, Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу, Осиё инфратўлима сармоялари банки президенти Цзинь Лицонь ҳамда бошқа расмийлар билан учрашувлар ўтказди. Энергетика, транспорт инфратўлима, қурилиш индустрияси, кимё ва фармацевтика саноати соҳаларида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан илгари Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Зоир Мирзаев бошчилигидаги делегация аграр жабҳадаги ҳамкорлик истикболларини муҳокама этиш учун ХХРда бўлди. 2017 йил 21 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комиловнинг хитойлик ҳамкасби Ван И билан бўлиб ўтган учрашуви, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилати Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг Остонада бўлиб ўтган йиллиги чоғида олдинда турган олий даражадаги ташрифнинг сиёсий жиҳатлари муҳокама этилди. Бир пайтнинг ўзига кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналар ва технопарклар яратиш юзасидан ўзаро фикр алмашиш мақсадида Ўзбекистоннинг деярли барча вилояти ҳокимлари ҳамда маъсул ходимлари Хитойга бордилар.

Шунингдек, жорий йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган икки томонлама бизнес-форум ва кооперация биржаси якунлари бўйича Хитойнинг "China National Cable Engineering", "Power China", "Sinosteel" сингари корпорациялари ўзбек шериклар билан ҳамкорлик ўрнатилган манфаатдорлик билдирди. Бу воқеаларнинг барчаси атиги бир ой давомида рўй бергани Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашганидан далолатдир.

Шуни таъкидлаш керакики, икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги Қўшма декларация ҳамда 2016 йили имзоланган, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтариш мақсадини белгиллаган Қўшма баёнотда ўз ифодасини топган. Умуман олганда, ўтган йиллар мобайнида давлатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг турли қирраларини ўз ичига олган 231 ҳужжат имзоланди.

Ташқи дунё билан муносабатларда мамлакатларимизни бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган низо ва қарама-қаршиликларни тинч, сиёсий йўллар билан ҳал қилиш тамойилларига содиқлик бирлаштириб туради. Умумбашарий тинчлик ҳамда барқарорлиқни сақлаш ва қўллаб-қувватлаш, халқаро терроризм, экстремизм хавф-хатарларига қарши туриш, трансгегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сингари глобал аҳамиятга молик энг муҳим масалалар юзасидан Тошкент ҳамда Пекин бир хил нуқтаи назарга эгадир. Икки мамлакат ташқи сиёсий маҳамалари ўртасидаги сиёсий масалаларнинг ҳал қилиниши мунтазам равишда ўтказилиши жаҳон ва минтақа аҳамиятига молик муаммолар юзасидан "соатлари тўғрилаб олиш" учун қўлай имконият яратмоқда. Шу кунга қадар ана шундай масалалар ҳал қилинган 15 раунд бўлиб ўтди.

Сиёсий мулоқотнинг юқори даражаси савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун барқарор пойдевор яратди. Ўзбекистоннинг тез ўсиб бораётган иқтисодиёти, унинг жуғрофий жиҳатдан минтақада қўлай жойлашгани, замонавий транспорт коммуникациялари, сармояларни жалб этиш бўйича мустаҳкам стратегияси Хитой ишбилармон доираларида ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқишни кучайтирмоқда. Натижада эса аён: ўтган йиллар мобайнида ХХР мамлакатимизнинг энг муҳим иқтисодий ҳамкорлари, йирик сармоядорлари ҳамда тизимли ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг модернизациялаш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган дастурларнинг манфаатдор иштирокчиларидан бирига айланди.

(Давоми 2-бетда)

БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ БОШҚАРМАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

**БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн
бошчилигидаги БМТ Инсон
ҳуқуқлари бўйича олий комиссари
бошқармаси делегацияси 10 май
кuni мамлакатимизнинг қатор
вазирлик ва идораларида учрашувлар
ўтказди.**

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги А.Комилов билан учрашувда Ўзбекистон ва БМТ институтлари, жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истикболлари муҳокама қилинди. Ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида томонларда ўзаро қизиқиш мавжудлиги қайд этилди. Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ўтган учрашувда ушбу марказ директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) У.Муҳаммадиев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос экани, унда инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари кафолати белгиланган бўлигани таъкидланди.

1995 йилда мамлакатимизда Омбудсман лавозими жорий этилди. У инсон ҳуқуқларига оид масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича қўллаб-қувватларга, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўз вакилларига эга. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ташкилотлар фаолияти соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган қонун ҳужжатлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларига кафолатларини янада мустаҳкамлади.

(Давоми 2-бетда)

ЗАЙД РААД АЛ-ХУСАЙН: ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛГАНИМДАН МАМНУНМАН

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Зайд Раад ал-Хусайн бошчилигидаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси делегацияси мамлакатимизга ташриф буюргани томонлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканининг ифодасидир.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн дастлабки учрашувлар ҳақида ўз фикрларини баён этди:
– Тошкентга келганимдан жуда хурсандман. Бу БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Ўзбекистонга биринчи ташрифи эканини алоҳида таъкидламоқчиман.
Делегациямиз Ўзбекистоннинг қатор

вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказди. Музокаралар қизиқарли ва самарали бўлди. Қўллаб-қувватлаш масалалар юзасидан фикр алмашилди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашув мен учун қатъиян шароф бўлди. Сўбат конструктив руҳда ўтди ва жуда самарали бўлди.

Ў.А.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Яқинда Қозоғистон Республикасининг
Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий
саноат кўргазмаси ва икки мамлакат
ишбилармон доиралари иштирокида
ўтказилган бизнес-форумда
пойтахтимиздаги "Osiyo batareya"
қўшма корхонаси ҳам маҳсулотлари
билан иштирок этанди.**



"OSIYO BATAREYA"NING ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш маҳсулотлари бизнес-форум иштирокчиларида қизиқиш уйғотди, – дейди корхонанинг маркетинг бошқармаси бошлиғи Бекзод Ҳамидхўжаев. – Ҳамкорлик борасида Қозоғистондаги туртта йирик ташкилот билан келишувга эришилди. Келгусида бу борадаги имкониятларимиз янада кенгайиши шубҳасиз.

2000 йилдан буён фаолият юритаётган "Osiyo batareya" қўшма корхонасида маҳаллийлаштириш дастури доирасида рақобатбардор, импорт ўрнини босадиган янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажми кенгаймоқда. Дастурга киритилган корхоналарга берилаётган имтиёзлар, технологик ускуналар ва эътиёт қисмлар, хомашёнинг боғхона ҳамда солиқ тўловларидан озод этилгани ютуқлар омили бўлмоқда. Корхонада 2002 йилда енгил, юк ва бошқа автоуловлар учун аккумулятор батареялар тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Ушайининг ўзидан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистонга 2,5 миллион долларга тенг маҳсулот экспорт қилинди.

– Фаолиятимизни янада ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган маркетинг излашлари Ўзбекистонда полимер

маҳсулотлари юқори нарҳда импорт қилинишини кўрсатди, – дейди Ў.А. муҳбирга Б.Ҳамидхўжаев. – Бу йўналишда янги лойиҳалар тайёрланди. 2005 йилдан "Asia Plast" савдо белгиси билан рандом сополимер хомашёсидан қувур ҳамда фитинглар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик ва канализация тизимларига мўлжалланган маҳсулотларимиз юқори ҳароратга чидамли бўлиш билан бир турли хил кимёвий, ишқорий таъсирларга ҳам бардошли.

Пластик қувурларнинг узоқ йилларга мўлжалланганлиги, арзонлиги, сифати юқорилиги кўпчиликнинг диққатини тортмоқда. Талабнинг ортиши эса корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишга замин яратди, маҳсулотлар тури ва хажми ортмоқда. 2008 йилда корхонада 50 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунда 300 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Корхонада замонавий технологияларга таянган ҳолда, импорт ўрнини босувчи, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида янги лойиҳалар тайёрланмоқда.

Сайёра ШОЕВА

• Фарғона вилояти туман ва шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимларига "Damas" русумли 20 та замонавий тез тиббий ёрдам автомобили топширилди.

• 9 май – Хотира ва Қадрлаш кuni байрами муносабати билан теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Нукус шаҳар очик биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларидан 155 ёш спортчи иштирок этди.

• Андижонда "Ҳамшира – 2017" қўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоятдаги тиббиёт муассасаларида 26 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ҳамшираси меҳнат қилмоқда. Танловнинг вилоят босқичида улар орасидан сараланган 12 ҳамшира ўз билим ва малакасини намойиш этди. Танловда биринчи ўринни эгаллаган ҳамшира қўриқнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

• Жанубий Кореяда янги сайланган президент Мун Чжэ Иннинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. "Демократик партия"дан номзод 64 ёшли Мун Чжэ Ин мамлакатда муддатидан олдин бўлиб ўтган президентлик сайловларида 41,08 фоиз (13,4 миллион фуқаро) сайловчилар овози билан ғолиб бўлди.

• Фарбий Африкада ҳаёт учун хавфли янги вирус пайдо бўлди. Либерия Республикаси ҳудудида сўнгги ўн кун ичида 28 киши ушбу номаълум касаллик билан хасталанган. Дастлаб Эбола дея тахмин қилинган вируснинг кейинчалик текширувлар давомида умуман янги тур касаллик экани аниқланган. Айни пайтда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар номаълум касалликни ўрганмоқда.

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган бўлиши
жабараст

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда "Менинг бизнес гоям" танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Марказий банк ва бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу танловда касб-хунар коллежларининг 140 нафар битирувчиси ўз бизнес-режаси билан иштирок этди.

БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ БОШҚАРМАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Одамларнинг талаб ва истакларини рўйбга чиқариш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сис-
темининг устувор йўналишига ай-
ланди. Шу мақсадда 2016 йил
28 декабрь куни Президентимиз
Шавкат Мирзиёевнинг "Жисмоний
ва юридик шахсларнинг муҳофа-
затлари билан ишлаш тизимини ту-
бдан такомиллаштиришга доир чора-
тадбирлар тўғрисида"ги Фармони
қабул қилинди. Мазкур Фармонга
мувофиқ жойларда ташкил этилган
Ўзбекистон Республикаси Президенти-
нинг Халқ қабулхоналари аҳолининг
ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини
таъминлашга хизмат қилмоқда.

Учрашувда Президентимиз ташаб-
буси билан ишлаб чиқилган 2017-
2021 йилларда Ўзбекистон Респуб-
ликасини ривожлантиришнинг беш-
та устувор йўналиши бўйича Ҳара-
катлар стратегияси қонун устувор-
лигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ ти-
зимини янада ислоҳ қилишда му-
ҳим аҳамият касб этиши таъкидлан-
ди.

Делегация аъзоларига мамлакатим-
изда оналар ва болалар ҳуқуқла-
рини ҳимоя қилиш, хотин-қизларни-
нинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини
ошириш бўйича олиб борилаётган
ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси Спик-
ери Н.Исmoilов билан учрашувда
БМТ ва Ўзбекистон ўртасида тенг
ҳуқуқлиқлик асосланган ҳамкорлик-
ка 2017 йил 2 мартда 25 йил тўл-
гани ўзига хос тарихий сана экани ало-
ҳида таъкидланди. Утган йилларда
Ўзбекистон ва БМТ турли йўналиш-
ларда, жумладан, инсон ҳуқуқлари
ҳимояси соҳасида ҳамкорликда са-
марали қўшма лойиҳаларни амалга
оширди. Бу жараёнда Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси фаол иштирок
этномоқда.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий
комиссари Ўзбекистонда Ҳаракатлар
стратегияси асосида изчил ислохот-
лар амалга оширилаётгани, бу жа-
раёнда инсон ҳуқуқларини таъмин-
лашга алоҳида аҳамият қаратилаёт-
гани эътиборга лойиқ эканини таъ-

кидлади. Мамлакатимизда сиёсий
партияларнинг роли кучаяётгани
ижобий ҳолат эканини қайд этиб,
мамлакат ривожидида парламент му-
ҳим ўрин тутиши, бу тизимнинг ро-
лини оширишга қаратилган меха-
низм мустақамлашишини қўллаб-
қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий
суди раиси Ш.Ғозиев, адлия вази-
ри М.Икромов, Бош прокурор И.Аб-
дуллаев, ички ишлар вазири А.Ази-
зов билан учрашувларда Ўзбекистон
билан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари
бўйича Олий комиссари бошқарма-
си ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг
бугунги ҳолати ва истиқболдаги ма-
салалар муҳокама қилинди.

Учрашувларда Ўзбекистонда бар-
ча соҳада изчиллик билан амалга
оширилаётган ислохотлар янги бос-
қичга кўтарилгани алоҳида қайд
этилди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий
комиссари бошчилигидаги делега-
ция иштирокида "Тараққиёт страте-
гияси" марказида "Инсон ҳуқуқлари
ва ўзаро ҳамкорлик" мавзусида фу-
қаролик форуми ўтказилди. Унда
мамлакатимизда фаолият юритаёт-
ган элликка яқин нодавлат нотихо-
рат ташкилотлари ва фуқаролик жа-
мийатининг бошқа институтлари ва-
киллари иштирок этди.

Зайд Раад ал-Хусайн Ўзбекистон-
га ташрифидан қўзланган асосий
мақсад ўзаро ҳамкорликни янада ри-
вожлантириш ва мустақамлашдан
иборат эканини, мамлакатимизда
амалга оширилаётган ислохотларни
изчил қўллаб-қувватлашини алоҳида
таъкидлади.

Тадбирда инсон, унинг ҳаёти, эр-
кинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз
ҳуқуқлари ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси Конституциясида белгиланган
бошқа олий қадриятларни ҳимоя
қилишга оид масалалар юзасидан
ўзаро фикр алмашилди. Ҳаракатлар
стратегиясида назарда тутилган
чора-тадбирлар ижросида нодавлат
нотихорат ташкилотлари иштироки,
коррупцияга қарши курашиш,
БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш конвенциясини рати-
фикация қилиш бўйича жамоат таш-
килотлари ташаббуси каби қатор ма-
салаларга алоҳида эътибор қаратил-
ди.

ЎЗА

Адлия вазирлигида тадбиркорлик субъектларини давлат
рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш борасида
олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани
ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР



Унда Давлатимиз раҳбарининг
"Тадбиркорлик субъектларини давлат
хизматларини қўрғатиш механизми-
ларини такомиллаштиришга доир қўшма
чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори
ижроси юзасидан ти-
зимда амалга оширилаётган
ишлар, "ягона дарча" марказ-
лари фаолиятидаги янгиланган,
тақдим этилаётган қулайлик ва
имкониятларнинг ташкилий
ҳуқуқий асослари ҳусусида сўз
юритилди.

Мамлакатимизда ишбилар-
мон доира вакиллари билан қўллаб-
қувватлаш, уларга турли энгил-
лик ва имтиёзлар бериш, учра-
ётган тўсиқ ва говларни бартар-
аф этиш борасида қўллаб иш-
лар олиб борилаётган. Янги
рўйхатдан ўтаётган тадбиркор-
ларга қўзғолдирилган ортқича
оворатгарчиликларсиз иш бош-
лаш учун қатор қулайликлар
яратилмоқда.

Эндиликда ўз бизнесини
бошламоқчи бўлган фуқаро
"ягона дарча" марказига келмас-
дан туриб ҳам тадбиркорлик
субъектини ташаббуси қатор ма-
салаларга алоҳида эътибор қаратил-
ди.

тератив давлат хизматлари пор-
тали тадбиркорлик субъектла-
рини давлат рўйхатидан ўтқа-
зиш ва ҳисобга қўйишнинг ав-
томатлаштирилган тизими ор-
қали рўйхатдан ўтказилмоқда.
Шунингдек, рўйхатдан ўтиш
учун тақдим этиладиган ҳужжат-
лар ҳам қисқартирилди. Бундан
бўён рўйхатдан ўтиш учун бел-
гиланган тартибда тўлдирилган
ариза ва таъсис ҳужжатларини
тақдим этишнинг ўзи етарли.
Таъсис ҳужжатлари давлат
рўйхатидан ўтказувчи орган то-
монидан текширилмайди.

Бундан ташқари, рўйхатдан
ўтиш учун интернет тармоғи ор-
қали муҳим қўзғолдирилган бел-
гиланган давлат божининг эл-
лик фоиз миқдори тўланади.
Тадбиркорлик субъектларини
давлат рўйхатидан ўтказиш
тўғрисидаги гувоҳнома ҳам
қўзғолдирилган бўлиб қўйилди.
У тизимда шаклланади ва
гувоҳнома тадбиркорлик
субъектлари исталган нусхада
чоп этиши мумкин. Тегишли
органлар эса тадбиркорлик
субъектларининг давлат рўйха-
тидан ўтганлиги тўғрисидаги
маълумотни тизим орқали би-
лдириши мумкин.

Абдуалим САЛИМОВ

**Ўзбекистонда кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос модели мамлакатни модернизация
қилиш эҳтиёжлари, унинг тараққиётининг устувор йўналишларига хизмат қилишини назарда
тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим
tizimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди мамлакатимиз
ривожланишининг янги босқичида кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш,
халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур
шароитлар яратилишига оид қатор истиқболли вазифалар илгари сурилган.**

Қарор 2017-2021 йилларда Ўзбекистон
Республикасини ривожлантиришнинг усту-
вор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стра-
тегиясининг "Таълим ва фан соҳасини ри-
вожлантириш" бандида қайд этилган меҳ-
нат бозорининг замонавий эҳтиёжларига
мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш си-
стемасини давом эттириш, таълим ва ўқиш
сифатини баҳолашнинг халқаро стандарт-
ларини жорий этиш асосида олий таълим
муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда
самардорлигини ошириш, инновация ютуқ-
ларини амалиётга жорий этишнинг самар-
ли механизмлари яратиш мақсадларига
ҳам уйғунлиги билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, келажатини ўйлайдиган дав-
латлар халқаро майдонда рақобатлашиш
учун олий таълим тизимининг имкониятла-
рини кенгайтириш мақсадида, соҳага кўп
қадарда инвестицияларни йўналтирмоқ-
да, таълим ва тадқиқотларни молиялашти-
риш ресурсларини қўлайлаштирмоқда, унинг
бошқарувини такомиллаштириш ва ўқув
дастурлари сифатини ошириш учун рағбат-
лар яратмоқда, ўзаро ҳамкорлик грантла-
ри тизими орқали қўллаб-қувватлашмоқда,
тегишли инфратузилмани ташкиллашти-
рмоқда. Бундай ёндашувни қатор ривожлан-
ган мамлакатлар сингари Ўзбекистон ҳам
намоийиш этаяпти.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Мил-
лий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги
Қонунга асосан, таълим ва фан соҳалари-
нинг узвий боғлиқлигидаги тизимининг
ҳуқуқий асослари белгиланган берилган.
Хозирги кунда юртимизда Ўзбекистоннинг
олий ўқув юртилари билан бир қаторда Тош-
кентда Европада ва Осиёда мамлакатла-
рининг нуфузли университет ва институт-
ларининг 7 та филиали ҳам фаолият юри-
тмоқда. Мазкур нуфузли олий ўқув юртла-
рида бакалавр ва магистр босқичларида
меҳнат бозори талабларига мос мутахас-
сислар дунёда тан олинган дипломларга
эга бўлмоқдалар.

Истиқлол шарофати билан мамлакатим-
из олий ўқув юртилари таълим беришнинг
янада илғор усуллари ва тажрибасини
ўзлаштириш жараёнида тўғридан-тўғри амали-
ий халқаро алоқалар ўрнатилиш ва ўзла-
рига берилган имкониятлардан самарали
фойдаланиш учун шароитлар яратилди.

Аммо бу йўналишда янги ҳамкорлик мо-
делларини ишлаб чиқиш йўлида фаол из-
лаш мумкин. Зеро, халқаро ҳамкор-
лик олий ўқув юртидаги таълим фаолияти-
ни ривожлантиришга, илмий-тадқиқот фа-
олиятига, академик айирбошлашлар да-
стурларини, шунингдек ҳамкорлик лойиҳа-
ларини амалга оширишга улкан ҳисса
қўйиши мумкин. Қарорда бу борада ҳар
бир олий таълим муассасаси ҳориждаги тур-
дош етакчи илмий-таълим муассасалари
билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрна-
тиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стан-
дартларига асосланган илғор педагогик
технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-

комплекс тараққий эттириш истиқболлари-
ни инобатга олган ҳолда оптималлашти-
риш, ҳусусан, олий маълумотли мутахас-
сислар тайёрлашнинг мақсадли параметр-
ларини шакллантиришнинг ҳисобга олган.

Ўқув жараёнида талабаларнинг мустақил
ишлашини фаоллаштириш, ўқув матери-
ал мазмунини бойитиш ва мустақамлаш,
янги касбий билимларни ўзлаштириш, амали-
ий кўникмаларни шакллантиришда илмий,
ўқув адабиётлари ва ахборот ресурслари
билан ишлаш кўникмаларини ривожланти-
ришда тегишли ўқув наشرларининг ўрни
беқийс. Бу эса ўз навбатида янги авлод
ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таъ-

тиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маъ-
навияти ва инсонпарварлик анъаналарига
содикат тўғрисида чўқур сингирдиш, биз
учун муқаллоқ ёт ва бегона бўлган ғояларга
нисбатан уларда мустақам иммунитет ва
танқидий муносабатни шакллантиришга ҳам
алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур Қарорга мувофиқ, олий таълим
даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва
тубдан такомиллаштириш, олий таълим му-
ассасалари моддий-техника базасини мус-
тақамлаш ва модернизация қилиш, улар-
ни замонавий ўқув-илмий лабораторияла-
ри, ахборот-коммуникация технологияла-
ри билан жиҳозлаш мақсадида Олий таъ-
лим тизимини 2017-2021 йилларга
мўлжалланган комплекс ривожлантириш
дастури тасдиқланди. Уни амалга ошириш
учун 1,7 триллион сўмдан зиёд молиявий
маблағлар йўналтирилди. Дастурга муво-
фиқ, 2017 - 2021 йилларда 48 та олий
таълим муассасасида жами 180 та ўқув,
илмий-лаборатория биноси, спорт иншоот-
лари ва ижтимоий-муҳандислик инфра-
тузилмалари объектларида қурилиш, рекон-
струкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб
борилади. Жумладан, 53 та олий таълим
муассасасида 400 та ўқув лабораторияси
босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лабо-
ратория ускуналари билан жиҳозланади,
7 та олий таълим муассасасида барча олий
таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда
фойдаланадиган илмий лабораториялар
ташқил этилади.

Бундан ташқари унда иқтидорли ёш пе-
дагог ва илмий ходимларнинг малакасини
ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси
Президентининг "Истеъдод" жамғармаси
фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳам
назарда тутилган. Таълим-тарбия жараён-
ларининг сифати устидан самарали давлат
назоратини ўрнатиш мақсадида Вазирлар
Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини на-
зорат қилиш бўйича давлат инспекцияси
ташқил этилади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий,
иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган
туб ислохотлар таълим тизими мазмунига
салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Давлатимиз
раҳбари таълим тизимидagi ислохотларни
янги сифат босқичига кўтариш борасида
навбатдаги вазифаларни белгилаб берди.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ўшбу қарори узлуксиз таълим тизимини ри-
вожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ри-
вожланиб бораётган иқтисодиётини юқори
малакали кадрлар билан таъминлаш, бар-
ча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жи-
ҳатдан комплекс ривожлантириш масала-
ларини ҳал қилиш борасида олий таълим
tizimini иштирокчини кенгайтириш йўлида-
ги яна бир муҳим амалий қадам ҳисобла-
нади.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК РИВОЖИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2016 йил якунлари бўйича ўзаро савдо айланмаси
ҳажми 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.
Хитой бозорига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган
тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса буюмлар, аг-
рар жабҳа маҳсулотларига талаб катта. Уларнинг экс-
порти ҳажмлари барқарор равишда ўсиб бормоқда.
Мамлакатимиз ҳудудига Хитой капитали иштироки-
даги 700 дан зиёд компания ҳамда корхоналар фао-
лият кўрсатмоқда.

Шубҳа йўқки, эришилган кўрсаткичлар мавжуд са-
лоҳиятга мувофиқ эмас, икки мамлакат иқтисодиёти
эса рақобат қилмайди, аксинча, бир-бирини тўлди-
ради. Ва бу савдо-иқтисодий алоқаларни кучайти-
риш заруратини тақозо этади. Ҳамкорлик бўйича Ўзе-
бекистон - Хитой ҳукуматлараро қўмитаси фаолияти
айнан шу вазифаларга қаратилган. Унинг навбатдаги
йиғилишини жорий йил май ойининг охирида Тош-
кентда ўтказиш режалаштирилган. Мазкур икки то-
монлама механизмнинг кичик қўмиталари энергетика,
транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳалари ҳамда бошқа
йўналишларда ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш
бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқаётган.

Ҳар икки мамлакат индустриал-инновация ҳамкор-
лигини ривожлантиришдан манфаатдорлигини намоён
қилмоқда. Нохом ашё ва юқори технология соҳа-
ларида ҳамкорлик дастури имзоланган ҳамда бу ҳуж-
жат ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётипти. Утган
йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбеки-
стон иқтисодиётига қарий 7,8 миллиард АҚШ долла-
ри киритдилар. Мамлакатимизда қатор қўшма сармоя-
вий, жумладан, стратегик аҳамиятга молик лойиҳа-
лар амалга оширилди. Марказий Осиё - Хитой газ
қувури тўртта тармоғининг барчаси Ўзбекистон ҳуду-
ди орқали ўтган, ХХР Миллий нефть-газ корпорация-
си (CNPC) мамлакатимизда истиқболли углеводо-
род қонларини қидириш ва қазил ишларида фаол
қатнашмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий
газга чўқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш
олиб борилаётган. Хитой бизнес субъектлари Деҳ-
қонобод қалийли ўғитлар заводи ҳамда Қўнғирот сода
заводи қурилишида иштирок этди.

"Huawei" номи билан дунёга машҳур корпорация
Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш билдираёпти.
Ўшбу корпорация қисқа муддатда Ўзбекистонда теле-
коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича
жузда кўп лойиҳаларни амалга оширган мазкур
фирма яққол тасдиқланди. Хитойлик сармоядорлар
мамлакатимизда мобил телефонлар, тукув машина-
лари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари
ва хабаротгор бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқа-
ришга жалб қилинган.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқ-
да. Хитойдан Европа давлатларига маҳсулот та-
шиш мақсадидаги ҳудуд орқали, жумладан, "На-
врий" аэропорти базасидаги халқаро интермодал ло-
гистика маркази имкониятларидан фойдаланилган
ҳолда амалга оширилаётган. Утган йили қуриб битка-
зилган Ангрэн - Поп электрлаштирилган темир йўли
ҳамда "Қамчиқ" туннели Ўзбекистон - Хитой ҳамкор-
лигидаги энг йирик лойиҳа ҳисобланади. Бу йилига
10 миллион тоннадан ортиқ юкни манзилга етказиш-
да ҳам вақтни, ҳам маблағни бир неча баробар те-
жашни, ўта муҳим халқаро транспорт йўлига сифати-
да Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини тубдан оши-
ришни таъминлайди.

Мамлакатимиз Хитойнинг "Бир кўт, бир йўл" кон-
цепциясини амалга ошириш, Буюк Ипак йўлининг
иқтисодий бўғинини ташкил этиш ташаббусини
қўллаб-қувватлайди. Мазкур лойиҳанин муваффақия-
тли рўйбга чиқарилиши савдо ривожини, ХХР ва
мазкур йўналиш бўйлаб бошқа давлатларга Ўзбеки-
стоннинг юқори қўшимча қийматли маҳсулотларини
етказиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қи-
лади. Ўзбекистон, шунингдек, жамғармаси 100 милли-
ард АҚШ долларини ташкил этган Осиё инфратузил-
ма сармоялари банки ҳамда капитали 40 миллиард
АҚШ доллари атрофида бўлган Буюк Ипак йўли фон-
ди ресурсларини жалб қилиш устида ҳам фаол иш-
ламоқда.

Томонлар икки халқ ўртасида дўстлик кўприклари
мустақамлашишига тўғридан-тўғри хизмат қиладиган
маданий-гуманитар ришталарни ҳар тарафлама тара-
ққий топтиришга ҳам муҳим аҳамият қаратадилар.
Ўзбек халқининг шонли тарихи ва ноёб маданиятига
чўқур ҳурмат белгиси сифатида Хитойда буюк шоир
Алишер Навоий ҳамда миниаторчаи расом Камол-
лиддин Бехзод ҳайкаллари ўрнатилган. ХХРнинг турли
шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиклари ва
машҳур расомларимизнинг кўргазмалари мунтазам
ўтказиб турилади. Ўз навбатида, Тошкент ҳамда Са-
марқандда Хитой маданияти кунлари ўтади. Айнан
ўшбу шаҳарларда халқимизни Чин мамлакат тарихи
ва маданияти билан таништириш асосий вазифаси
ҳисобланган Конфуций институтлари фаолият кўрсат-
моқда. 2015 йили Тошкентда Хитой киносини асл наму-
наларидан баҳраманд бўлди.

Мамлакатимиз тарихи ва тараққиётини яқиндан
ўрганиш мақсадида 2013 йилда Хитойда Ўзбекистон-
ни тадқиқ этиш ҳамда таълим соҳаси алмашинуви
маркази ташқил этилди, унда мутахассислар респуб-
ликаимизда амалга оширилаётган замонавий жараён-
ни кузатиб келмоқдалар. ХХРдаги қатор олий таълим
масканларида ўзбек тили бўлимлари очилган. Бу ерда
ўқувчилар Навоий газалларини, Бобур рубойларини,
Абдулла Қодирий романларини ва Зулфия шеър-
ларини соф ўзбек тилида ўқишга мушарраф бўлмоқ-
далар. Ўз навбатида, Тошкент давлат шарқшунослик
институтини, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия уни-
верситетини, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари уни-
верситетини ҳамда Самарқанд давлат университетини Мар-
казий Осиёнинг хитой тили мутахассислари тайёр-
лайдиган йирик олий ўқув юртилари ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистон
ва Хитой кўп томонлама ҳамкорлиги йўлида яратил-
ган самарали механизмлар ҳозирги пайтга келиб икки
томонга ҳам муҳим ҳамда фойдали натижалар бер-
моқда. Давлатимиз раҳбарининг Пекинга бўлажак дав-
лат ташрифи, ҳеч шубҳасиз, ўзаро муносабатларда
тарихий аҳамият касб этади. Унинг доирасида режа-
лаштирилган учрашувлар ва музокаралар чоғида икки
томонлама ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ҳар тараф-
лама таҳлил қилинади, янги имконият ҳамда истиқ-
боллар очилаётгани назарда тутилган ҳолда, бир-
ламчи йўналишлар аниқлаб олинади.

"Жаҳон" АА

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

Пойтахтимиздаги 118-умумий ўрта таълим мактабида 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан “Бу буюк Ватанда инсон улуг, хотира муқаддас” деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унга Абдулла Қаҳҳор ҳамда Ҳамид Сулаймонов номли маҳаллаларда истиқомат қилаётган фахрийлар, маҳалла фаоллари ва ҳозирда кексалик гашитини сураётган пир бадавлат отахону онахонлар тақдир этилди.

“Уч авлод урчушуви” тарзида кечган тантанавалли Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонона жанг қилиб, Ватан озодлиги учун ҳалок бўлган юртдошларимиз, қолаверса, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улғу фарзанди Биринчи Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов ва бошқа аждодларимизнинг хотиралари ёд этилди.

Учрашувда сўз олган Ўзбекистон халқ ҳофизини Ҳасан Ражабий падари бузуқворни академик Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қисқача тўхталиб, “Ражабийнома” китоби ҳақида ҳам йиғилганларга маълумот бериб ўтди.

Шундан кейин тадбирнинг маданий қисмида иштирок этган Ўзбекистон халқ ҳофизини Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тохир Ражабий ва Аҳмаджон Дадаев каби санъаткорлар ўзларининг мумтоз куй-қўшиқлари билан даврга янада фойз киритишди.

Аваллабор, бугунги хотира тадбирини уюштирган барча таш-

килотчиларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Қолаверса, ўқувчи-ёшларимизнинг мумтоз адабиётимиз ва куй-қўшиқларимизга бўлган қизиқишлари бизни жуда хурсанд қилди. Бу, албатта, фарзандларимизнинг маънавий-маърифий олами кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. Ёшларимиз кўпроқ китоб мутолаа қилишса, илм, ҳунар ўрганишса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тохир Ражабий.

Шу кун 118-умумтаълим мактабининг 8-“Б” синф ўқувчилари Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф ва бошқа шоирларнинг Ватанини мадҳ этувчи, тинчликни улғуловчи шеърлари, куй-қўшиқ ва рақслари билан иштирок этиб, йиғилганларни хушнуд этдилар.

Байрам тадбири якунида эса нурунийлар ва табаррук устозларга мактаб касабга уюшмаси кўмитаси томонидан эсдалик совғалари ва гуллар тақдим этилди.

Яккасарой туманида ҳам 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

Унга Яккасарой туманида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, Байналмилалчи жангчилар ва албатта, нуруний отахону онахонлар тақдир этилди.



“Бошлиқ” тантаналар қошонасида бўлиб ўтган тадбир аввалида Иккинчи жаҳон урушида мардларча жанг қилиб, юрт озодлиги учун жон берган аждодларимиз хотирасига бир дақиқа сукут сақланди. Шундан сўнг сўзга чиққан Яккасарой туман ҳокими Сарвар Махамбетов, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳиба Мирсаидова, “Нуруний” жамғармасининг Яккасарой тумани бўлими раиси Толиб Сайфуллаев ва бошқалар 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини билан табириқлаб, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадри бебаҳолиги, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлиги, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлашимиз кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

– Ўз ҳаётини Ватан озодлиги учун қурбон қилган юртдошларимизга кўрсатилаётган эҳтиром – истиқлол даврига келиб шукроналик, фахрлиниш ва миннатдорчилик рамзига айланди, десам муболағас эмас. Шу боис ҳозирда ушбу муҳим сана ҳар бир оила учун қадри бўлган байрам ҳисобланади. Чунки, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз учун жон берган, буйда жасорат кўрсатган аждодларимиз хотирасини ёд этиш, руҳларини шод қилиш муқаддас бурчимиздир. Қолаверса, шундай жаннатмакон, осуда юрда яшаш ҳар биримизнинг толеимизга битилган

бахтдир, – дейди Яккасарой туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳиба Мирсаидова.

– Ҳозирда туманимизда 30 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 224 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийларимиз яшаб келишмоқда. Ҳар йили 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини арафасида уларга жамғармамиз томонидан моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиб келинади. Фахрийларимизнинг турмуш шароити, соғлиқдан хабар олиб туриш учун алоҳида патронаж хизмати ташкил этилган. Қолаверса, ёшларимиз ана шундай жасоратли аждодларини ҳеч қачон унутмасликларни керак, – дейди “Нуруний” жамғармасининг Яккасарой тумани бўлими раиси Толиб Сайфуллаев.

Шу кунги маросимда Яккасарой туман маданият бўлими, Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, Республика эстрада-цирк коллежи, Тошкент Ҳарбий академик лицейи ўқувчилари, элимиз сўйган санъаткор Хурсанд Шеров ўзлари тайёрлаган рақс ва куй-қўшиқларини байрам қатнашчиларига намойиш қилишди. Шунингдек, “Аззам ота Улфатой” МЧЖ, “Истеъдод Медиа Сервис” студиялари ҳам тадбирда ўзларининг беминнат хизматлари билан қатнашдилар.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ

уруши қатнашчилари Сайдали Матисаков ва Абдуваҳоб Мадусоновларнинг уйига ташриф буюриб, уларни байрам билан табриқлашди.

– Ўша пайтлардаги ҳаётни ҳозирги кун билан солиштирсангиз худди бир эртатка ўхшайди, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуваҳоб ота Мадусонов. – Тинчлик ва хотиржамлик энг улғу неъмат, энг катта бойлиқдир. Унинг қадрига етиш, тинчликни таъминлашга ҳисса қўиш ҳар бир катта-ю кичикнинг вазифаси. Мана шундай осийишта кунларда барчанинг ҳурмат-эътиборида эканлигимиздан бошимиз осмонда. Бизни эътиборлаган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимизни билдира-

Абдували СОДИКОВ

Халқимизда азалдан ўтганларни ёд этиш, ватан, эл-юрт тинчлиги ва осийишталиги йўлида ўзини фидо қилган инсонларни ёрқин хотиралар билан эсга олиш, борларини эса қадрлаш, ҳурмат ва эътибор кўрсатишдек эзгу фазилат бор.

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

Хотира ва қадрлаш кунини арафасида юртимизнинг барча жойларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийларига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши томони-

дан ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар топшириладилар.

Ташкилотнинг “Bektemir o'quv STK” унитар корхонасининг ходимлари Бектемир туманида истиқомат қилувчи, Иккинчи жаҳон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

“Ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашда, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кенг имкониятлар яратишда ҳамкорликни кучайтириш” мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг куйидаги мақсадларини назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа-бузуртманомалари қабул қилинади:

1. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда қонунийликни мустахкамлашга қаратилган турли маънавий-маърифий тадбирлар ва танловлар ўтказиш.

2. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг нормаларни ижроси устидан қонун ҳимоячилари назоратини ўрнатилган фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг ролини кучайтириш.

3. Ёшларнинг ҳуқуқий, тиббий, иқтисодий, молиявий ва экологик маданиятини оширишда ижтимоий шериклигини янги механизмларини қўллаш.

4. Ёшлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ўқув муассасаларининг маъсулиятини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини тадқиқ этиш.

5. Кўриш имконияти чекланган ёки кўзи оғир ёшларга чет тилларни ўргатиш учун брайль ёзувига асосланган махсус адабиётлар ишлаб чиқиш, чоп этиш ва тарқатиш.

6. Жойларда тарбияси оғир бўлган ва уюшмаган ёшлар орасида шу ҳудудда яшаётган ёзувчилар, санъаткорлар, рассомлар, спортчилар ва ижоднинг бошқа соҳаси вакиллари иштирокида турли ижтимоий-маданий тадбирлар, телемарафонлар, уларнинг ёшга мос спорт ва ўқув мусо-

бакалари, ўқув фанлари бўйича танловлар, мушоралар, ижодий ва адабий кечалар ташкил этиш ва ўтказиш.

7. Ёшларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш мақсадида уларни мунтазам ижодий рағбатлантириб бориш ва китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш.

8. Фуқаролар йиғини гузарлари қошида китоб фондига эга бўлган ўқув заллари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишга мўлжалланган синфлар, шахмат ва шашка хоналари, ёшлар ва кексалар учун махсус спорт анжуманлари билан жиҳозланган жисмоний тарбия залларини ташкил этиш ва улардан мақсадли фойдаланишда ижтимоий шериклигини кенг йўлга қўйиш.

9. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, “Камолот” ЕИХ, Хотин-қизлар кўмитаси, “Хунарманд” уюшмаси, ногиронлар, кўзи оғирлар, қарлар жамиятлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида жисмоний имконияти чекланган ёшлар ўртасида “Ўзим яратаман” шiori остида турли тадбирлар, тасвирий ва хунармандчилик санъати кўргазмалари ва танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.

10. Ёшларда соғлом ва фаровон оила қуришга бўлган қўишмани шакллантириш, ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш борасидаги билимларини янада ошириш, эрта никоҳ ва ажрилишлар, оилалардаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

11. Бола тарбиясига қаратилган “Бир болага етти кўшни ота-она” шiori остида оила, маҳалла ва ўқув муассасаларининг ҳамкорлигини мустахкамлаш, ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибалири асосида ҳамда халқимизнинг бой кўп асрлик миллий анъана ва қадриятлари руҳида тарбиялаш.

12. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган таҳдидлар ва салбий иллатлардан асраш борасида турмуш қадриятларини ташкил этиш.

13. Ёшларда ҳуқуқий маданият, фуқаролик позицияси ва бурчини ағлаш ҳиссини юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳаларидаги ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш.

14. Ёшлар, энг аввало, қишлоқ жойлардаги касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда уларни тадбиркорлик билан банд бўлишга жалб қилиш, уларнинг оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган ишларини кучайтириш.

15. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда ёшлар бизнесини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг товарлар ва хизматлар экспорти соҳасидаги кўишмаларини мустахкамлаш.

16. Қишлоқ жойлардаги уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фойдали меҳнат ва тадбиркорликка оид зарур билимларни эгаллашга йўналтирилган қисқа муддатли ўқув курсларига жалб этиш.

17. Ўсиб келаётган авлодда катталар, ота-онага ҳурмат, кичикларга ғам-

хўрлик, эзгулик ва инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва мурувват, ўз халқига ва она юртига садоқат каби юксак туйғуларни шакллантириш.

Давлат гранти ажратиши учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охирги ўзгариш ва қўишмалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг ўстави (низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензиялангандаги фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. 3. 4 ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмга.

Ҳужжатлар 2017 йил 10 майдан 15 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлари ва депутатлига номзодларнинг тегишли округлардан номзодларнинг овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 22 ва 44-моддаларига мувофиқ қуйидаги депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинсин:

Округ номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавазими, турар жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия
8-Сувчи (Бектемир тумани)	Мирзаев Дилшод Бозорович	1973 йил, Ўз. ХДП, Мирзо Улуғбек тумани, “Ўзбекистон-Ўзбекистон” иқтисодлашган компаниясининг иқтисодиёт ва маркетинг бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Расулмухамедова Дилфуза Набиевна	1980 йил, “Адолат” СДП, Миробод туман ХТМФМТТЗБ методик гуруҳи раҳбари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Раҳимгазиев Хуршид Газизович	1984 йил, Ўз.МТДП “Humologistik” масъулини чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Қаландаров Фуркат Ўктамович	1972 йил, ЎзЛиДеП “QYUOSHCHANA-NURI” МЧК директори О’зЛиДеП Бектемир туман Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
9-Салор (Мирзо Улуғбек тумани)	Амилова Хилола Уткуровна	1963 йил, Ўз. ХДП, Мирзо Улуғбек тумани, 4-сон оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мамажонов Шохрух Бахтирович	1984 йил, “Адолат” СДП, Юнусов туманидаги “SURE STEP” МЧК бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Рустамова Дилдора Абдулмаликовна	1970 йил, ЎзЛиДеП, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 1-стоматология поликлиникаси бош шифокори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шарипов Бахромхонда Шухратович	1982 йил, Ўз. МТДП, “Ипотека-банк” АТ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур филиали бошқарувчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
16-Хумоюн (Мирзо Улуғбек тумани)	Жўраев Феруз Фозилович	1989 йил, “Адолат” СДП, Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати котиби, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Қудбиев Шерзод Давлатович	1981 йил, партияси, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Раҳимова Умидхон Абдураимова	1971 йил, Ўз. ХДП, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг ривожлантириш маркази директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Тиллаев Алишер Хасанович	1985 йил, Ўз. МТДП, Тошкент ирригация ва мелiorация институтини қосидаги “Интернэша Хаус-Тошкент” академик лицейи директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
24-Мирзо Ғолиб (Олмаот тумани)	Абидов Алишер Матлабхондаевич	1961 йил, “Адолат” СДП, Республика дерматология ва венерология маркази бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Агамова Феруза Аюлджановна	1973 йил, Ўз. ХДП, Олмаот тиббиёт бирлашмасига қарашли талабалар поликлиникаси бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ахмадалиева Гулноз Икромовна	1966 йил, Ўз. МТДП, Олимий шон-шухрати музейи директори вазифасини бажарувчиси, Тошкент вилояти	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Тўхтаев Абдуқасим Хасанович	1956 йил, партияси, Олмаот туман ҳокими, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
45-Қоратоп (Шайхонтоҳур тумани)	Ашрапов Нодир Нигматуллаевич	1980 йил, Ўз. МТДП, “Castle Rock Trade” фирмаси директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Меликуев Давронбек Курбонбой ўғли	1990 йил, Ўз. ХДП, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг Иқтисодий фанлар услубчиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Миртожиев Давронбек Турсунович	1955 йил, “Адолат” СДП, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрият жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ҳакимов Тимур Файзуллаевич	1977 йил, ЎзЛиДеП О’зЛиДеП Шайхонтоҳур туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
49-Жарарик (Шайхонтоҳур тумани)	Ахмедов Сайфулло Норматович	1960 йил, Ўз. МТДП, Тошкент шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Баротова Венера Джурраевич	1961 йил, “Адолат” СДП, Тошкент шаҳар ОИТСтга қарши кураш маркази бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Джурраев Олимжан Азизович	1982 йил, Ўз. ХДП, “Саноаткооптехназорат” Давлат инспекциясининг Давлат назорати бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Назаров Қозимбек Аниорович	1972 йил, ЎзЛиДеП “Новатор” МЧК директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
50-Минор (Юнусов тумани)	Абдусаматов Бахтиёр Хасанович	1976 йил, партияси, Юнусов туман ҳокими, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Абдурахимов Камолддин Алавиiddinovich	1966 йил, ЎзЛиДеП “O’zbekinvest Nayot” шўъба хўжалик жамияти шаклидаги суурта компанияси бош директори, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Муродов Абдураҳим Юлдашев	1966 йил, “Адолат” СДП, Чилонзор туманидаги 33-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Шамсиев Рустам Ташпулатович	1987 йил, Ўз. ХДП, “Ўзбекэнерго” акционерлик жамияти “Тошкент иқтисодик электр маркази” газ турбина цехи бошлиғи, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
51-Хиёбонтёпа (Юнусов тумани)	Қаланов Рустам Абдухакимович	1950 йил, Ўз. ХДП, Тошкент шаҳар “Нуроний” жағғармаси раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Махкамбаева Махбуба Акмаловна	1962 йил, “Адолат” СДП, “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Тошкент шаҳар таниқ пункти директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Наджемиддинова Дилором Сандикуротхановна	1975 йил, ЎзЛиДеП, “Central Asia Voyage” МЧК раҳбари, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ғафурова Висола Солтқонова	1966 йил, Ўз. МТДП, Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори, Тошкент вилояти	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Давлат солиқ кўмитаси томонидан Тошкент солиқ коллежида “Солиқ билимлари – болаларга” анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов очилишида сўз олган Давлат солиқ кўмитаси раиси ўринбосари, Солиқ академияси ректори Э.Гадов бу каби танловлар ёшларни солиқ билимларига бўлган муносабатини тўғри шаклланишида катта ўрнига эга эканлигини таъкидлади.

“Солиқ билимлари – болаларга!” Республика кўрик-танлови Низомига кўра 1-4-синф ўқувчилари учун “Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири”, 5-9-синф ўқувчилари учун “Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши”, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун “Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати”, “Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?” мавзусидаги энг яхши компьютер тақдими номинациялари бўйича ўтказилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан солиқ саводхонлиги ва қонунчилиги бўйича фуқароларда ёшлардан кўникам ҳосил қилиш мақсадида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада асосий эътибор ёшларнинг соҳага бўлган қизиқишларини ошириш, солиқлар ва солиқ тўловларининг ижтимоий аҳамиятини тушунириш орқали

уларнинг онгида тўғри муносабатни шакллантириш, ҳуқуқий билимларини доимий бойитиб боришга қаратилмоқда.

Шу маънода Давлат солиқ кўмитаси ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда мактабларда, касб-хунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларининг ноинтисодий йўналишларида солиққа оид билимларни ўқитиш бўйича махсус ўқув дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга мувофиқ, олий таълим муассасалари талабалари учун “Солиқ ва солиққа тортиш” деб номланган махсус ўқув қўлланмаси тайёрланди.

Касб-хунар коллежлари профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ишлаб чиқилган “Тадбиркорлик ва бизнес асослари” ўқув қўлланмасига “Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тартиби” деб номланувчи махсус боб киритилди. Бундан ташқари, мактабларнинг 1-4-синфларига “Иқтисод ва солиқ сабоқлари”, 8-9-синф ўқувчилари учун “Солиққа тортиш асослари” бўйича махсус ўқув дарсликлари яратилган.

Жорий “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да кўрик-тан-

ловнинг ҳудудий босқичлари алоҳида дастур асосида ўтказилганлиги аҳамиятлидир. Белгиланган режага кўра, танлов давомида ўқувчи ёшларнинг давлат солиқ хизмати органлари ходимлари билан бевосита мулоқотлари ташкил этилди. Учрашувларда ёшлар ўзларини қизиқтирган масала ва саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олиб, солиққа оид билимларини янада бойитиш имконига эга бўлишди.

– “Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати” мавзусидаги энг яхши иш” номинациясида иштирок этиб, республика босқичида фахри биринчи ўринни эгалладим, – дейди кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи болиби Мохинур Эшимова. – Ишюмида Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати, тузилмалари аҳамиятини тўлиқ ёритиб бердим. Бу ютуқлар билан чекланиб қолмасдан коллежни тамомлаб, Солиқ академиясига ўқишга кирмоқчиман.

Солиқ саводхонлиги ва маданиятини шу тарикада ёшлар – ўқувчи ҳамда



Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

талабалар онгига сингдириб боришга, эртага улар хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс сифатида юртимизнинг онгли солиқ тўловчиларига айланади. Шу билан бирга мамлакатимизда таълим, тиббий хизмат имкониятларидан бепул фойдаланиш, кексаёғанда эса давлат пенсия таъминотидан тўла баҳраманд бўлиш замирида солиқлар ва солиқ тўловларининг аҳамияти беқиёс эканлигини тушуниб етилади. Ил сайин иштирокчилар сонининг ортиси танловнинг нечоғлик муҳим эканлигидан ва унга қизиқиш ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Кўрик-танлов якунида болиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

ЎРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 15 июнда ўтказилган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

– ушбу давлат активлари учун энг катта кўйидаги ҳақда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;

– анги иш-ўринлари ташкил этиш;

– сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектининг бошланғич нарҳидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммаси;

– таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар сонинг ҳамда елим-лаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқ-

ланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо қилибга бошқарманинг буйруғи билан қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш шарти қўйлатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси бошланганига 1 иш кунини аввал соат 16.00да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 15 июнь кунини соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16А-ўй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 30 июнь, 17 июль, 16 ва 31 август ҳамда 15 сентябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16А-ўй манзилида ўтказилади.

Муражат учун телефонлар: 233-35-08, 233-22-83

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Балансда савдога чиқариш тартиби	ПҚ/ВМК	Бошланғич баҳо (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Умумий майдон 230 кв.мга тенг бўлган бир қаватли бинонинг ер участкаси (оммавий)	Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, Катталар кўчаси, 38-ўй	Тошкент шаҳар ҳокимияти Бинолардан фойдаланиш департаменти	02.03.2015А, № ВМ-39	488 085 035		
2	“Республика дом маҳсулотлари” хўжалик унитар корхонаси (иш нуқталари ва бино-иншоотлари билан)	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шароф Раҳимов кўчаси, 36-ўй манзилида жойлашган	“Республика дом маҳсулотлари” хўжалик унитар корхонаси	28.04.2015В, № ПҚ-2340	2 715 487 719	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – анги иш-ўринларини ташкил этиш;	
3	Умумий майдон 834 кв.мга тенг бўлган маъмурий бинонинг 5-қavat қисми	Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, “М” навози, Чиланзор кўчаси, 28-ўй	Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси “Ўзгиртирилган ойиш” ДУК	16.07.2015В, № ВМ-540-Ф	1 865 092 160	– зарид қиймати ва қўшимча инвестиция киритиш қисмида амалга ошириш	
4	Умумий майдон 2198 кв.мга тенг бўлган маъмурий бино қисми	Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, 6-навоз, Катталар кўчаси, 21-ўй	Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси	16.07.2015В, № ВМ-540-Ф	6 175 368 504		

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй, 2-қават, 225-хона.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва яқна тартибда қуриладиган турар жойлар ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда, баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш, шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойларда ўзгиртиришлар қилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли ҳамда 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарорлари асосан Тошкент шаҳрида нотураж жой объектлари ва яқна тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда кўп қаватли турар жой биноларида ва ён атрофида

ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер майдонлари ва ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-иншоотларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликлари қўшида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олган ва қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларсиз савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар жой бино-иншоотларини қурган ёки қайта таъмирлаган тадбиркор ва фуқароларнинг қонун олдида жавобгар бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ва жисмоний жазо чоралари қўлланилиши ҳақида огоҳлантиришимиз лозим.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар хил қўриқинидаги қурилмаларни қуришдан аввал Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларида рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутманг. Бу билан Сиз қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга ва Ватанимизнинг ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2017-2018 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида:

– 2017 йилнинг 12 майдан 19 майгача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва пишиқчилиги (юқори босимда) синодан ўтказилади.

Иссиқлик манбаларининг амал қилиш зоналари манзилий рўйхати:

5-ИМ (М-0)

12 май – Чиланзор даҳаси 11, 12, 9А, 16, 17, 18, 19, 20А, 24, 25, 26 мавзелари, Дўмбирообд турар жой даҳаси; Фарход, Чўпонота, Боғибустон, Кичик халқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, М. Шайхзода.

9-ИМ

16 май – Чиланзор даҳаси 9, 9А, 10, 13/15, 15А, 21/25, 30, 31 мавзелари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1, 2, Бешкайрағоч, Гулистон, Изза турар жой даҳалари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта халқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик халқа йўли, Бешкайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккокий, Фозилтепа, Фарход кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

1-ИМ (М-4)

17 май – Мустақиллик шох кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Му-

хаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Оққўрғон 1-тор кўчаси, Осиё, Навниҳол, Бўз, 6-тор Сайрам кўчаси, Чуст, Мирамов, Катта Дархон, Геология, И.Мўминов, Ниёзбек йўли, Кичик халқа йўли, Дўрмон йўли, Шахриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, Тошқашлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Хамид Олимжон майдони.

ИЗМ (М-5)

19 май – Амир Темур, Мустақиллик шох кўчалари, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Ойбек, Ш.Рашидов, Я. Ғуломов, Зарафшон, Буюк Турон, Истикбол, Махтумқули, Ислам Каримов, Бухоро, Истиклол, С.Азизов, Саид Барақа, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик халқа йўли, Шахрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Кичик Бешёғоч, Фидокор, А.Қаҳор, Моштабиб, Миробод кўчалари, М-1, 2, 4, 5, 7 турар жой даҳалари.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пидедалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пидедалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

“VIP REAL ESTATE” МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 12 июнь кунини соат 11.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич олириш тартибидеда ўтказиладиган ошқ аукцион савдосига 06.03.2012 йилдаги 279/3-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани, 2-Миробод кўчаси, 61-ўйда жойлашган умумий майдони 587,0 кв.м, биноларнинг умумий майдони 782,83 кв.м, яшаш майдони 383,12 кв.мдан иборат хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳо 2 037 313 539 сўм. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли туман СИБ бўлими вақили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси болиб савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеда талабдорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ “InfobANK”даги МФО-01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ғувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунчилигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча ҳизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-ўй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

“МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...”

Ёзувчи ва журналист Тўхтамурод Тошевнинг “Адолат” нашриётида яқинда чоп этилган “Меҳр қолур, муҳаббат қолур” китоби китобхонларга яхши тўхфа бўлди.

Ундан муаллифнинг кейинги йигирма беш йил мобайнида ёзган, республикамиздаги турли касб эгалари бўлган инсонлар ҳақидаги хотира ва очерклари ўрин олган. Китоб қаҳрамонларининг сермашақат ва мураккаб, аини пайтда шонли ҳаёт йўлларини кузатар экансиз, бугунги кунимизга шуқроналар айтасиз. Бу инсонлар ҳаёти ёшлар учун ибратлидир.

Китобдаги ажойиб очерклардан бири “Ёд айланг бу камтарин Чустийни” деб номланади.

1983 йилда 79 ёшида вафот этган машҳур ғазалнавис шоир Чустийнинг шўро даврида ҳеч кўраги офтоб кўрмади. У кўп таъкиб қилинди, камситилди. Уни икки марта республика Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқаришди. Чустий фақат мустақиллик даврига келибгина қадр топди. 1994 йилда унинг 90 йиллиги тантана билан нишонланди. Кетма-кет учта девони – “Хаётнома”, “Садоқат гуллари” ва “Кўнгли тилаги” нашр этилди. Радио ва телевидениеда Чустий ижодида бағишланган эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этилди, унинг ғазаллари қуйланган концертлар берилди, видеофильм ва ҳужжатли фильм яратилди. Шоир яшаган Тошкент, Наманган, Қўқон ва Чуст шаҳарларида номи абадийлаштирилди.

Чустий билан шахсан таниш бўлган, у ва ўғли Музаффар билан кўп бор учрашган муаллиф шўро даврида ҳаёт кечирган шоир ҳеч қачон қисматида зорланмаганлигини, тақдири бундан ҳам баттарроқ бўлсада, аянчли аҳволга тушмаганлигини таъкидлаган.

Китобдан ўрин олган “Менинг Кавардоним”, “Ўзимизнинг Фафур Фулом” очеркларида муаллиф атоқли адиблар Ойбек ва Фафур Фулом ҳаётининг Паркент яқинидаги Кавардон қишлоғи билан боғлиқ томонлари ҳақида ёзганлиги ҳам муҳим янгиликлар. Ўрта Чирчик туманида Қорасув дарёси билан ҳамдам канал оралигида Кавардон деган сўлим гўша бор. Бу қишлоқ салқинлиги, ҳавоси мусаффолиги, дов-даракларнинг мўллиги билан бошқа жойлардан фарқланиб туради. Қишлоқ одамлари ниҳоятда меҳмондўст. “Менинг Кавардоним” очеркида ёзилишича, бу қишлоқда 30-йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кичик боғи бўлган, машҳур адиблар Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Хамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла бўш вақтларида бу боққа келиб дам олишар экан. Айниқса, Ойбек ва Фафур Фулом бу ерга тез-тез келиб, дўстлар орттиришган. Дўстлар ўртасидаги борди-келди бир умр давом этган.

Рус ёзувчиси Лев Толстой “Менинг хар бир асарим ҳаётимнинг бир парчасидир” деган. Муаллиф ўн беш йилдан ортиқ “Оқшом” газетасида ишлаган. Унинг китобидан жой олган “Оқшом”нинг нури”, “Касбага муҳаббат, дўстга садоқат”, “Алиазар дўстгинам, йўқдир каму кўстгинам”, “Меҳр қолур, муҳаббат қолур” сарлавҳали хотираларида муаллиф устозлари – “Тошкент оқшом”нинг биринчи муҳаррири Саъдулла Кароматов, кекса журналистлар Солиҳ Ёқубов, Алиазар Эгамназаров, атоқли шоир Муҳаммад Юсуф ҳақида ёзади, улар билан бирга ўтган йилларини эслади. Бу инсонлар билан бирга ишлаб журналистлик касби силриларини ўрганганлигини, устозлари характеридаги ибратли томонларни қайд этади.

Китобдаги “Мунаввар ҳаёт”, “Мустақиллик унинг орзуси эди”, “Бетакдор олим эди” хотиралари ҳам катта қизиқиш билан ўқилади.

“Меҳр қолур, муҳаббат қолур” тажрибали журналист Тўхтамурод Тошевнинг ўзининг китоби бўлиб, у муаллифнинг қалами тобора чархланиб, камолга етганлигидан далолатдир.

А.НАЗАРОВ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Миробод тумани 1-сонли ДНИ катта нотариуси Нодир Ортиқовга отаси

Нарбой ОРТИКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент шаҳрида 12 май кунини ҳаво ўзгариш турари, ёлғарчилик бўлмади. Шарқдан селкундаги 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси —

18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади. Ўзгиртирилган мониторинг хизмати маълумотида кўра, 12 майдон Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шўроқилиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 535

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95.

Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот бошқармасида</